Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 25-aprel, shanba, № 51 (3556)

“ *Жамиятдаги ҳар қандай янгиланиш, ҳар қандай ўзгариш аввало инсон учун, унинг ҳаётини фаровон этиш учун амалга оширилмоғи даркор.* ”

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ УСЛУБЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

чет эл капитали иштирокида акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш;

эски бўлинмалар ва лавозимларни тугатиш, замонавий халқаро стандартлар ва бозор иқтисодиёти талабларига мос янги бўлинма ва лавозимларни жорий этишни инобатга олган ҳолда, акциядорлик жамиятларини бошқариш тузилмасини тубдан қайта ташкил этиш;

акциядорлик жамиятларини стратегик бошқариш, бошқарув ходимларининг самарали фаолиятини назорат қилишни таъминлашда акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар ролини ошириш;

етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида бошқарув ходимларини тайёрлаш ва уларнинг касб даражасини ошириш, шунингдек, акциядорлик жамиятларида раҳбарлик лавозимларига чет эллик юқори малакали менежерларни жалб қилиш.

2. Фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларини танқидий ўрганиш натижаларига кўра, 364 акциядорлик жамияти ночор ва тугатилиши ёки бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга айлантирилиши лозим, деб топилгани маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 31 мартдаги ПҚ 2327-сонли қарори билан ташкил этилган Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси (Р.Азимов) қайд этилган акциядорлик жамиятларини қайта ташкил этиш жараёнини 2015 йилнинг 1 октябрига қадар тугатиш устидан қатъий назорат ўрнатсин.

3. Етакчи хорижий компанияларда бошқарувни ташкил этиш тизимини чуқур ўрганиш асосида ишлаб чиқилган акциядорлик жамиятининг намунавий ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси:

(Давоми 2-саҳифада).

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ



ФУҚАРОЛАРНИНГ МУНОСИБ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ РОЛИ: ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

Аввал хабар қилганимиздек, жорий йилнинг 22-23 апрел кунлари Тошкент шаҳрида “Фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашда касаба уюшмаларининг роли: Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Анжуман Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар, Халқаро меҳнат ташкилоти, БМТ Тараққиёт дастури ва Ф.Эберт жамғармаси иштирокида ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик, идоралар ва нодавлат нотижорат ташкилотлар, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси, хорижий касаба уюшма марказлари вакиллари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган қатор халқаро ташкилотлар (БМТТД, ЕИ, ЕХҲТ, ЮНИСЕФ, Ф.Эберт жамғармаси) мутасаддилари, Германия, Дания, Хитой, Қозоғистон, Литва, Молдова, Россия, Франция каби давлатлардан келган халқаро экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Ўзбекистон тажрибаси тақдимоти, шунингдек, ходимлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш ва меҳнатини муҳофаза қилишда касаба уюшмаларининг ролини намойиш этиш ушбу халқаро конференциянинг асосий мақсади ҳисобланади.

Анжуманда фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлари кафолатлари таъминланиши бўйича Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсати, бу жараёнда мамлакат касаба уюшмаларининг фаоллиги, улар томонидан ходимлар ҳамда улар оила аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаати ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси борасида амалга оширилаётган тизимли тадбирлар алоҳида қайд этилди.

— Мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларида белгилаб қўйилган меҳнаткашларнинг асосий ҳуқуқлари меҳнат соҳасидаги халқаро меъёрлар талабларига тўла мос келибгина қолмай, кўплаб жиҳатлари билан улардан устунликка ҳам эга, — деди Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева. — Хусусан, мамлакатимизда фуқароларнинг меҳнат, меҳнатга яраша муносиб ҳақ олиш ҳуқуқлари тўла таъминланган бўлиб, аҳоли бандлигини таъминлаш, ходимлар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш йўналишларида самарали натижаларга эришилмоқда. Касаба уюшмалари томонидан ижтимоий шериклик асосида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали ходимлар учун хавфсиз ва қулай меҳнат шароитлари, қўшимча имтиёз ва кафолатлар яратишга, меҳнаткашлар даромадларини оширишга эришилмоқда.

(Давоми 3-саҳифада).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2015 йил 24 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил биринчи чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини муҳокама қилишга ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан жорий йил 16 январда республика Ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини баҳолашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини янада ошириш, энг аввало, таркибий қайта ўзгартиришларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни фаол диверсификациялаш ва маҳаллийлаштириш, ривожланган инфратузилмани шакллантириш ҳисобига ошириш, шунингдек, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқлар ва чеклашларни бартараф этиш, аҳолининг иш билан бандлиги даражасини, унинг ҳаёти сифати ва даражасини янада ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга асосланган ва бутун дунёда ислоҳотларнинг “ўзбек модели” сифатида эътироф этилган ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг эволюцион ва босқичма-босқич стратегияси изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширилиши туфайли, бугунги кунда жаҳон миқёсида давом этаётган инқирозли ҳолатларга ва қарама-қаршилик кучайиб боришига қарамай, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини сақлаб қолиш таъминланаётганлиги қайд этилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 7,5 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми — 7,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми — 6,3 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрлардан ортиқ бўлмади.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ички талабни мувозанатли рағбатлантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмлари 11,2 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми – 15,2 фоизга ва хизматлар ҳажми – 13,1 фоизга кўпайишига кўмаклашди.

Аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш натижасида жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида 141 мингтадан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди, улардан 88 мингтадан ортиғи ёки 62,6 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида кексаларга зарур эътибор бериш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш бўйича тадбирларни фаол амалга ошириш бошланди. Ушбу тадбирларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан қарийб 593 миллиард сўм йўналтирилди.

Мажлис кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида таркибий қайта ўзгартиришларга, саноат ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диверсификациялашга, тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга йўналтирилган энг муҳим дастурлар ва инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини батафсил таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Амалга оширилаётган фаол инвестиция сиёсати ҳамда саноат ишлаб чиқаришини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларини жадаллаштириш, ривожланган инфратузилмани барпо этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 8,7 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 10 фоизга ўсишига кўмаклашганлиги қайд этилди. 2015 йилги Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 4,8 миллиард долладан ортиқ бўлган 53 та янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланди. Маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларнинг 430 тадан ортиқ янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Инвестиция фаоллиги ўсиши пудрат қурилиш ишлари ҳажмини 18,9 фоизга кўпайишига кўмаклашди.

(Давоми 2-саҳифада).

ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ

Фахрийларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш, нуронийларнинг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида дам олиб, даволаниши учун зарур шароитларни яратишга қаратилган қатор лойиҳалар ижроси эзгулик тушунчаларини янги босқичга олиб чиқди, десак муболаға бўлмайди. Айни кунларда Хоразм вилоятининг барча туманларида “Жасорат, бурч, матонат” шиори остида уруш ва меҳнат фахрийлари тиббий кўрикдан ўтказилаётир.

НУРОНИЙЛАР САЛОМАТЛИГИ НАЗОРАТДА

— Инсон қадри улуғланаётган осойишта диёрда яшаяпмиз, — дейди урганчлик Розияжон она Юсупова. — Биз кексаларга кўрсатилаётган эътибор фарзандларимизни ҳам бирдай хушнуд этмоқда. Ушбу тиббий кўрикда биз УТД, ЭКГ, лаборатория, невропатолог, лор текширувларидан ўтдик. Қўпдан бери қулоқ оғриғи безовта қилар эди, лор текширувида сабаби аниқланиб, даволанишга киришдим.

— Акцияга ўз касбининг устаси бўлган профессорлар, фан докторлари ва номзодлари, малакали мутахассислар жалб қилинган, — дейди Хоразм вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Кўпалбой Тангрибердиев. — Улар томонидан 3291 нафар фуқаро тиббий кўрикдан ўтказилди. Шундан 1070 нафари меҳнат фронти фахрийлари, 97 нафари уруш қатнашчиларидир. Таъкидлаш жоизки, оила шифокорлари ва патронаж ҳамширалар нуронийларнинг аҳволидан доимий хабар олиб, ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиб келаётир. Акция доирасида шифохонага чиқолмайдиган кексалар учун уйларида тиббий кўрик ташкил этилди.

(Давоми 3-саҳифада).

2015-yil 25-aprel, shanba, № 51 (3556), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ УСЛУБЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор идоралар ва акциядорлик жамиятларининг кузатув кенгашлари билан ҳамкорликда уч ой муддатда акциядорлик жамиятлари ташкилий тузилмасини уларнинг тармоқ хусусиятларини инобатга олган ҳолда, намунавий тузилмага мувофиқлаштиришни таъминласин;

давлат улушига эга акциядорлик жамиятларининг раҳбарлари таркибини уч ой муддатда корпоратив бошқарувнинг замонавий услублари ва принциплари, менежмент ва маркетингни, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда уларни ишлаб чиқаришни бошқариш тизимида қўллай билиши бўйича аттестациядан ўтказсин;

аттестация якунлари бўйича бўшаган лавозимларга янгича фикрлайдиган, замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали раҳбарлар, шунингдек, хорижий менежерларни жалб этиш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига «Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчи касблари классификатори»га акциядорлик жамиятларининг янги намунавий тузилмасидан келиб чиқадиган зарур ўзгартишлар киритиш ҳақида таклифлар тақдим этсин.

5. Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг Германия ҳамда бошқа иқтисодий ривожланган давлатларнинг етакчи таълим муассасаларини жалб этган ҳолда, тугатиладиган Олий бизнес мактаби негизида Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказини ташкил этиш, унинг зиммасига корпоратив бошқарувнинг ташкилий шакллари ва замонавий услубларини жорий қилишни методик таъминлаш, шунингдек, халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ ушбу соҳада бошқарув ходимларини тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш вазифасини юклаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказини ташкил этиш тўғрисидаги қарорни белгиланган тартибда қабул қилсин ва унинг вазифалари, тузилмаси, тингловчиларни қабул қилиш квотаси, шунингдек, марказнинг самарали фаолиятини таъминлаш чораларини белгиласин.

6. Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамаси Дастурга киритилган тадбирларнинг белгиланган муддатларда сифатли амалга оширилишини тизимли асосда назорат қилинишини таъминласин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра, 2015 йил 1 июлдан:

акциядорлик жамияти ижро органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади;

акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар хўжалик судига уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилгани ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилганда, уларга давлат божини тўлаш муддати узайтирилади ва бу бож айбдор томонидан ундирилади;

8. Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Германия ҳамда бошқа ривожланган давлатларнинг муваффақиятли тажрибаси асосида 2015 йил 1 августга қадар Корпоратив бошқарув кодексини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, халқаро амалиётни инобатга олган ҳолда ягона ҳужжатда:

корпоратив бошқарувнинг илғор услубларини жорий этиш бўйича тавсиялар, жумладан, узоқ муддатли истиқболда ривожланиш стратегияси ва вазифалари, ички назорат тизимлари ва ижро органининг акциядорлар ҳамда инвесторлар билан самарали ўзаро ҳамкорлик механизмларини белгилаш;

акциядорлик жамиятлари фаолиятининг кўлами, тармоқ хусусиятлари ва йўналишларини инобатга олган ҳолда, намунавий ташкилий тузилмани жорий қилиш;

акциядорлик жамиятлари фаолиятининг очиқлигини ошириш, улар томонидан халқаро стандартлар асосида аудит ва молиявий ҳисобот ахборотини нашр қилиш.

9. 2015 йилнинг 1 июлидан акциядорлик ва бошқа хўжалик жамиятлари номларида уларнинг устав капиталида давлат улушидан қатъи назар, «давлат» сўзидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги;

2015-2018 йилларда барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботни нашр этиши ва Халқаро аудит стандартлари ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудитни ўтказиши маълумот учун қабул қилинсин.

Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси 2015 йилнинг 1 июлига қадар акциядорлик жамиятларининг йиллик молиявий ҳисоботини халқаро стандартларга мувофиқ нашр этиш жадвалини тасдиқласин.

10. Акциядорлик жамиятлари бошқарув ходимлари сифатида жалб қилинган хорижий мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов тўлаш;

хорижий мутахассисларнинг бошқарув ходимлари сифатидаги фаолиятидан олган даромадлари даромад солиғи, тўлов манбаидан олинадиган даромад солиғи, шунингдек, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий суғурта бадалларидан озод этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш ҳақида таклифлар тақдим этсин.

12. Ушбу Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 24 апрел

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар, йирик корхоналар, барча даражадаги ҳокимликлар олдига мамлакат Президенти томонидан жорий йил феврал-март ойларида тасдиқланган таркибий қайта ўзгартиришлар, саноат ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диверсификациялаш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш, шунингдек, тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга доир ўрта муддатга мўлжалланган дастурларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

2015-2019 йиллар мобайнида ушбу дастурларга киритилган ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича умумий қиймати 40,8 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 846 лойиҳани, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаси объектларини қуриш ва уларни ривожлантириш бўйича умумий қиймати 9,8 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 141 та лойиҳани, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича умумий суммаси 5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган 602 та лойиҳани амалга ошириш, маҳсулотларнинг 1,2 мингтадан ортиқ янги турларини ўзлаштирган ҳолда, иқтисодиётнинг янада ўсиши, таркибий қайта ўзлаштиришларни чуқурлаштириш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, саноатнинг энг муҳим тармоқларини ривожлантиришни янги юқори даражага кўтариш, янада замонавий ва ривожланган инфратузилмани шакллантириш учун мустаҳкам асосни таъминлаши алоҳида қайд этилди.

Мажлисда ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш, уларнинг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини комплекс ривожлантириш дастурларини амалга ошириш ҳолати пухта таҳлил қилинди. Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурларини амалга ошириш доирасида йил бошидан буён 434 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилганлиги қайд этилди. Қишлоқ жойларда 169 километр сув қувури тармоқлари, 54 километр газ тармоқлари ишга туширилди, 1,3 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Жорий йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича 12 мингта якка тартибдаги уй-жой қуришни ташкил этиш, шунингдек, уларни зарур муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш ҳудудий дастурларига киритилган инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш ишлари зарур даражада мувофиқлаштирилишини таъминламаган бир қанча вилоятлар ҳокимликлари раҳбарларининг фаолияти танқид қилинди. Улар олдига камчиликларни бартараф этиш ва қолоқликнинг ўрнини тўлдириш, амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари бўйича объектларни ўз вақтида фойдаланишга топширишни таъминлаш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Мажлисда маҳсулот экспорти ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш, маҳсулотларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлилигини ошириш ва экспорт қилишни диверсификациялаш, шу асосда 2015 йилга мўлжалланган экспортнинг прогноз параметрларига эришишни таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини батафсил таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Жаҳон бозорларидаги конъюнктуранинг мавҳумлиги ва нобарқарорлиги кучайишига қарамай, экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантириш ва уларга маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқаришда ҳар томонлама кўмак бериш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш экспорт ҳажмининг 13,9 фоизга ўсишини ва ташқи савдо айланмасининг ижобий салдосини таъминлаш имконини берганлиги алоҳида қайд этилди. Йил бошидан бошлаб 146 та янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, 102 та янги турдаги маҳсулотларни экспорт қилиш йўлга қўйилди.

Хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги раҳбарларининг эътибори экспорт қилинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтиришнинг мавжуд резервларини аниқлаш ва сафарбар қилиш, шу жумладан, олдин ўз маҳсулотларини экспорт қилмаган корхоналарни экспорт фаолиятига жалб этиш, шунингдек, экспорт географиясини диверсификациялаш бўйича амалий чора-тадбирлар кўриш зарурлигига қаратилди.

Мажлисда энг кўп даражада қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ҳамда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка тўлиқ эркинлик бериш ва уларни рағбатлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ишларининг ҳолати ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилинди. Кўрилаётган тизимли чора-тадбирлар фақат жорий йилнинг биринчи чорагида 8 мингтадан ортиқ янги кичик бизнес субъектларини ташкил этилишига кўмаклашганлиги, бу 2014 йилнинг шу давридагига қараганда 10,2 фоизга кўплиги қайд этилди. Кичик бизнес субъектларига 2,8 триллион сўм ёки 2014 йилнинг биринчи чорагидагига таққослаганда 1,3 баробар кўп банк кредитлари ажратилди. Йил бошидан буён хусусий мулкдорларга умумий қиймати 28,3 миллиард сўмлик 55 давлат активи сотилди, шу жумладан, 13 та объект инвесторларга 9,7 миллиард сўмлик инвестициялар киритиш мажбурияти асосида бепул берилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари олдига бизнесни ташкил этиш учун ер участкалари бериш, қурилишга рухсатномалар олиш, тегишли кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, тадбиркорлик субъектларини электр тармоқларига улаш, тадбиркорлик субъектларини "бир дарча" тамойили бўйича рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларини такомиллаштиришни жадаллаштириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Адлия вазирлигига бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашишга йўл қўяётган мансабдор шахсларнинг масъулиятини жиноий жавобгарликка тортишгача кучайтириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиш топширилди.

2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастурини амалга оширишни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясига Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ барча рухсат бериш тартиб-қоидалари ва бошқа тартиботларни жорий йил охиригача электрон шаклга ўтказишни тугаллаш вазифалари юклатилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, республиканинг йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга оширишни таъминлаш чора-тадбирлари белгиланди.

ЎзА

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА

Пойтахтимизда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга бағишланган анъанавий конференцияси бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, жамоат ва давлат ташкилотлари, илмий-тадқиқот ҳамда таълим муассасалари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган хорижий ва халқаро ташкилотлар вакиллари, мазкур институт таъсисчилари кенгаши аъзолари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори Ғ.Абдукаримов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти таъсисчилар кенгаши раиси А.Абдувоҳидов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А.Саидов ва бошқалар ўтган даврда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва унинг институтларини мустаҳкамлаш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитларни такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилганини таъкидлади. Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси бу жараёнда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Масалан, Концепцияга мувофиқ 2014 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жумладан, тармоқларга оид ва ҳудудий дастурларни, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишда давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлигининг шакл ва механизмлари белгиланган, мазкур жараёнда томонларнинг асосий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2013 йил 12 декабрдаги қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорининг қабул қилиниши ўтган йили муҳим воқеа бўлди. Бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар самарасида 2014 йил давомида адлия органлари томонидан рўйхатга олинган ННТлар сони кўпайди ва бугунги кунда улар 8,1 мингдан ошди. Уларнинг аксарияти «Соғлом бола йили» Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этишда иштирок этди.

— Ўзбекистон парламенти томонидан қабул қилинган Концепция мамлакатда фуқаролик жамиятини жадал ривожлантириш имконини бермоқда, — деди ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси элчи Дьердь Сабо. — Президент Ислом Каримов ўз маърузаларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг самарали фаолият юритиши учун янада қулай шароит ва имкониятлар яратиш, уларни муҳим давлат дастурларини амалга оширишга фаол жалб этиш зарурлиги хусусида кўп таъкидлаши эътиборга лойиқдир.

Конференцияда аҳолининг фуқаролик онги ва сиёсий-ҳуқуқий маданият даражасини ошириш, фуқароларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишни, уларнинг ўз конституциявий ҳуқуқларини англаш, Ватан тақдири, мамлакатимиз ва дунёда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижаларига эътибор қаратилди.

Ҳуқуқий тарғибот, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасини юксалтириш борасидаги ишлар давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштирмоқда.

Конференцияда оммавий ахборот воситалари мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнида уларнинг ролига оид масалалар муҳокама қилинди. Ўтган йилнинг май ойида кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонуни сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашга йўналтирилган муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Ушбу қонунчилик ҳужжати фуқаролар ва оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти органлари тўғрисидаги ахборотдан кенг ва эркин фойдаланиш, улар фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, шунингдек, давлат ва жамият ўртасидаги очиқ ҳамда амалий мулоқотда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтиришга хизмат қилаётир.

— Ўзбекистонда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун қабул қилинди ва «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди, — деди «Минтақавий мулоқот» халқаро нодавлат ташкилотининг (Словения) Ўзбекистондаги минтақавий директори Мьюша Север. — Ушбу ҳужжатлар хорижий экспертларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Кучли қонунчилик базаси фуқаролик жамияти институтларига турли масалаларни ҳал этишда давлат органлари билан яқин ҳамкорлик қилиш имконини бермоқда.

Конференция иштирокчиларига оммавий ахборот воситалари фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ва рағбатлантирилаётгани самарасида уларнинг сони ва сифати ошиб бораётгани ҳақида сўзлаб берилди. 2015 йил 1 январ ҳолатига кўра, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 1,4 мингга яқин оммавий ахборот воситалари, жумладан, 970 дан зиёд босма ва 100 электрон нашр рўйхатдан ўтган. 1991 йилги кўрсаткич билан таққослаганда, мамлакатимизда фаолият юритаётган ОАВ сони 3,5 марта марта ошган. 53,4 фоиз босма оммавий ахборот воситаларининг муассислари нодавлат ташкилотлардир.

Телеканаллар тармоғи изчил кенгайиб бораётир. Сўнгги йилларда «Маҳалла», «Дунё бўйлаб», «Маданият ва маърифат», «Оилавий», «Диёр», «Кинотеатр», «Болажон», «Uzreport TV» каби янги телеканаллар очилди. Ўтган йили янги «Менинг юртим» — «МУ5» телеканали тест режимида эфирга узатила бошланди. Мазкур телеканаллар фаолияти ёшларни бунёдкорлик, яратувчилик руҳида тарбиялаш, уларда фаол ҳаётий позицияни шакллантиришга қаратилган. 29 фоиз теле ва радиоканалларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари муассислик қилмоқда, 67 фоизининг муассиси эса нодавлат ташкилотларидир.

Оммавий ахборот воситалари сифатида рўйхатдан ўтказилган интернет ресурслари ҳам сезиларли ўсиб бормоқда. Сўнгги беш йилда уларнинг сони 2 баробардан кўпроқ ортди. Хусусан, шу йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, интернет оммавий ахборот воситалари 304 тани ташкил этди. Шундан 95 фоиздан ортиғи нодавлат оммавий ахборот воситаларидир.

Конференция иштирокчилари ҳудудий оммавий ахборот воситаларининг жойларда аҳолини безовта қилаётган долзарб масалаларни аниқлаш ва ёритиш, жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли сезиларли ошганини таъкидлади. Уларнинг фаолиятини ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, 2014 йилда ОАВда маҳаллий давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир долзарб масалаларни ҳал қилиш борасидаги фаолияти холисона танқид қилинган ахборот-таҳлил материаллари кўпайгани кузатилди.

Конференция иштирокчилари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантиришда демократик жараёнларни кучайтириш масаласини ҳам муҳокама қилди. Шу йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, мамлакатимизда 9787 фуқаролар йиғини фаолият юритаётгани қайд этилди. Ўтган йили фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш фаолиятини тартибга соладиган қонунчиликка янги қоидалар киритилди.

Қонунчилик базасининг мустаҳкамлангани фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича ваколатларидан фойдаланиш амалиётини янада кенгайтирди. Жумладан, 2014 йилнинг ҳар чорагида туман ва шаҳар ижро ҳокимияти органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти масалаларига доир ҳисоботлари тингланди. Бу ижро ҳокимияти органлари ва фуқаролар йиғинлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни кучайтириш, фуқароларнинг давлат ҳокимияти органлари фаолияти хусусида хабардорлигини ошириш, шунингдек, маҳаллий даражадаги вазифаларни ўз вақтида бажаришга хизмат қиладиган муҳим омилдир.

Конференция қатнашчилари Ўзбекистон давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида юксак самараларга эришганини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда конференция дастуридан ўрин олган масалалар бўйича очиқ ва амалий фикр алмашилди. Конференция якунида мамлакатни модернизация қилиш ва демократик янгилашда фуқаролик жамияти институтларининг ролини янада кучайтириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири

2015-yil 25-aprel, shanba, № 51 (3556), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



ФУҚАРОЛАРНИНГ МУНОСИБ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ РОЛИ: ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Кейинги йилларда юртимизда давлат бюджети ҳаражатларининг 60 фоизга яқини ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Аҳоли турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш, ходимларнинг муносиб иш ҳақи ва хавфсиз меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатда ижтимоий-меҳнат соҳасидаги институтларни ривожлантириш борасида катта амалий тажриба тўпланган. Меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш, меҳнат бозорини тартибга солиш, касбга тайёрлаш, пенсия тизими, ижтимоий мулоқот каби муҳим соҳалардаги фаолият эътиборга молик.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда муносиб меҳнат устуворлигини тўлақонли таъминлаш мақсадида ижтимоий ҳимоя тизимининг муваффақиятли кенгайтириб борилаётганини алоҳида қайд этишди. Хусусан, мамлакатда давлат ижтимоий суғуртаси барча ходимларга татбиқ этилади. Натижада, муайян ҳолатларда пуллик тўлов ёки хизматлар кўрсатиш, шунингдек, қарилик, меҳнат қобилиятини, боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тўлаш таъминланган. Ишчи кучига бўлган талабни рағбатлантириш, барқарор иш ўринларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Алоҳида қайд этиш зарурки, мамлакат Президенти ва Ҳукумати қарорлари асосида кичик бизнес, фермерлик, касаначилик, ҳунармандчилик, хизмат кўрсатиш ва сервис, томорқа хўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, қишлоқ жойларида агрофирмалар ташкил этиш йўналишларида самарали натижаларга эришилаяпти. Буларнинг барчаси аҳоли бандлиги кўламини ошириш ва муносиб меҳнат шароитлари яратиш имкониятини кенгайтирмоқда. Ўзбекистонда даромадлар даражаси бўйича аҳолининг кескин табақаланиши мавжуд эмаслиги ҳам таҳсинга лойиқ.

Халқаро конференцияда Ўзбекистонда фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашда мамлакат касаба уюшмаларининг алоҳида ўринга эга эканлиги таъкидланди. Ўз сафларида 6 миллиондан ортиқ аъзони 13 та тармоқ касаба уюшмаларига бирлаштирган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан фаолиятнинг мазкур устувор йўналишида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Халқаро меҳнат ташкилотининг муносиб меҳнат Концепцияси амалга оширилиши йўналишидаги ишларга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Анжуманда таъкидланганидек, Ўзбекистонда Ҳукумат, Касаба уюшмалари Федерацияси ва Савдо-саноат палатаси ўртасида 2014-2016 йиллар учун ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув амал қилмоқда. Мазкур ҳужжат орқали ходимларнинг турли тоифалари учун муносиб меҳнат шароити яратилишини таъминловчи комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бош келишув асосида мамлакатда 90 та тармоқ, 14 та ҳудудий келишув, корхона, ташкилот ва муассасаларда эса 100 мингдан ортиқ жамоа шартномалари амал қилмоқда. Барча жамоа-шартномавий ҳужжатларда муносиб меҳнатнинг бандликка кўмаклашиш, муносиб иш ҳақи тўлаш, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги, ходимларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси, меҳнат бозорида тенг рақобат қила олмайдиган фуқаролар учун имтиёзлар, ХМТ Конвенцияларига риоя этиш каби таркибий қисмлари аниқ белгилаб берилган.



Қонунчиликдан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан кейинги йилларда меҳнат муҳофазаси масалаларига, айниқса, ишлаб чиқаришда шикастланиш ва касб касалликлари профилактикасига янада катта эътибор қаратилмоқда. Касаба уюшмалари мазкур йўналишдаги фаолиятни ижтимоий шериклари, хусусан, тегишли вазирлик ва идоралар, бошқарув органлари билан яқин ҳамкорликда амалга оширмоқда.

Анжуманда халқаро ташкилотлар ва хорижий касаба уюшма марказлари вакиллари, халқаро экспертлар фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлари кафолотларини таъминлаш бўйича Ўзбекистон тажрибасини, мазкур соҳада мамлакат касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини юқори баҳоладилар. Хусусан, халқаро экспертлар томонидан Ўзбекистонда бандлик ва даромадлар олиш имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш ва ижтимоий мулоқотни мустаҳкамлаш соҳасида юксак натижаларга эришилгани алоҳида эътироф этилди. Шунингдек, Ҳукумат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида йўлга қўйилган уч томонлама ижтимоий мулоқот борасида ижобий фикрлар билдирилди. Халқаро ташкилотлар мазкур уч томонлама ижтимоий мулоқотни меҳнат, бандлик ва ижтимоий ҳимоя соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг таъсирчан механизми сифатида эътироф этдилар. Касаба уюшмалари ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларни жамоа-шартномавий усулда тартибга солиш орқали ХМТ Конвенциялари амалга оширилишига кўмаклашаётгани таъкидланди.

Шунингдек, конференция иштирокчилари жаҳон иқтисодий инқирозининг оқибатлари ҳали ҳануз сақланиб қолаётган ҳозирги шароитда кўпчилик хорижий мамлакатларда ривожланиш суръатининг кескин пасайиши, ишсизлар сони ортишининг кузатилаётгани, уларнинг асосий қисми ёшлар экани, ижтимоий эҳтиёжлар учун кўзда тутилган маблағларни ҳаддан зиёд иқтисод қилишга йўналтирилган қатъий чора-тадбирлар кўрилаётгани ва буларнинг барчаси инсонлар турмуш даражасига салбий таъсир ўтказаётганини таъкидладилар.

Халқаро ташкилотлар вакиллари томонидан дунёда юз бераётган мана шундай вазиятдан фарқли равишда Ўзбекистонда олиб борилаётган кучли ижтимоий-иқтисодий сиёсат натижасида иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан тараққий этишига эришаётгани алоҳида таъкидланди. Шунингдек, иқтисодий ўсиш натижаларининг адолатли тақсимланиши ижтимоий соҳани жадал ривожлантиришга кучли туртки бераётгани қайд этилди.

Ялпи мажлисдан сўнг журналистлар учун конференция мавзусига оид матбуот анжумани ташкил этилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти вакили Сергеюс Гловацкас мазкур халқаро конференциядан кўзланган мақсад, фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқларини таъминлашда касаба уюшмаларининг роли, бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган тизимли ишлар, ижтимоий мулоқотни ривожлантириш борасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш масалаларига атрофлича тўхталдилар. Матбуот анжумани сўнггида журналистларни қизиқтирган барча саволларга муфассал жавоб берилди.

Конференция иши 4 та: “Меҳнат соҳасидаги асосссолувчи ҳуқуқларни амалга ошириш мақсадида миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва халқаро меҳнат стандартларини илгари суриш”, “Қулай ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш ва ижтимоий ҳимояни кенгайтириш”, “Муносиб бандлик ва даромадлар олиш имкониятларини кенгайтириш”, “Муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлар кафолатларини таъминлаш соҳасида жамоатчилик назорати ва ижтимоий шериклик” мавзуларидаги секцияларда давом эттирилди.

Бир сўз билан айтганда, конференция иштирокчилари томонидан фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашда Ўзбекистон тажрибаси, мазкур йўналишда касаба уюшмалари томонидан олиб борилаётган тизимли ишлар самараси юқори баҳоланди.

Анжуман якунида фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқларининг таъминланиши бўйича Ўзбекистон тажрибаси, касаба уюшмалари ва ҳамкор ташкилотларнинг бу борадаги ишларини янада такомиллаштиришга оид масалалар бўйича тавсиялар қабул қилинди.

Халқаро конференция дастурлари доирасида хорижий меҳмонлар Ўзбекистондаги корхона ва ташкилотларнинг бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, Тошкент, Самарқанд ва Хива каби тарихий шаҳарлар бўйлаб саёҳати уюштирилди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

СЎЗ – КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Яап ВИНЕН, Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси Бош котибининг биринчи ўринбосари:

— Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик ривожланиб бораяпти. Халқаро меҳнат меъёрларини амалиётга тадбиқ қилиш бўйича олиб борилаётган ишлардан ҳам қониқиш ҳосил қилдик. Бинобарин, меҳнаткашларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазасини яхшилаш ва соғлигини асраш бизнинг умумий мақсадимиздир.

Халқаро конференция доирасида бир қатор корхона ва ташкилотлар касаба уюшма қўмиталари фаолияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдик. Жумладан, Тошкент вилоятидаги “Максам-Чирчиқ” қўшма корхонаси бошланғич касаба уюшма ташкилоти иш жараёни ва бу ерда яратилган меҳнат шароитлари эътиборимизни тортди. Ижтимоий шериклик ўз самарасини бераётганига гувоҳ бўлдик. Эътироф этиш керакки, корхонада яратилган меҳнат шароитлари, ходимларнинг ижтимоий ҳимояси барча халқаро талаблар ва муносиб меҳнат шартларига тўлиқ мос келади. Бу иш берувчи ва касаба уюшма ташкилоти ўртасида йўлга қўйилган ижтимоий шериклик самарасидир. Шу билан бирга, жамоа шартномалари орқали ходимлар ва улар оила аъзоларининг ижтимоий ҳимояси юқори даражада таъминлаб келинаётгани бизни жуда қувонтирди.

Бевосита конференция тўғрисида гапирадиган бўлсам, унинг юқори савияда ўтгани, кўплаб долзарб масалалар муҳокама қилинганини таъкидлаш лозим. Бу, шак-шубҳасиз, Ўзбекистон фаол халқаро муносабатлар тарафдори эканидан далолат беради.

Антон ЛЕППИК, Касаба уюшмалари Умумевропа минтақавий кенгашининг катта маслаҳатчиси:

— Фуқароларнинг муносиб меҳнатга бўлган ҳуқуқларини таъминлашда касаба уюшмалари катта рол ўйнайди. Ижтимоий музокара — шериклар билан ижтимоий-иқтисодий масалаларда келишиб олиш зарурати ҳисобланади. Бу келишув, яъни, жамоа музокаралари иш берувчи ва ходимлар манфаатини уйғунлаштиришга хизмат қилади. Ижтимоий музокаралар демократик қарорлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Вольфганг ЛЮТТЕРБАХ, ХМТнинг меҳнаткашлар фаолияти бўйича Бюроси Европа бўлимининг катта мутахассиси:

— Ўзбекистон тажрибаси ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида 2014-2016 йиллар учун ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув, айниқса, диққатга сазовор. Юртингизда ходимлар ва иш берувчи ўртасидаги муносабатлар тартибга солинган ҳамда норматив ҳужжатлар бажарилиши юзасидан самарали ва ошкора назорат йўлга қўйилганлиги эътиборга молик.

Халқаро конференция кўплаб хорижий давлатлар касаба уюшмалари фаолларига жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатлари натижасида юзага келган ишсизлик, меҳнат шароитларини ёмонлашуви шароитида тажриба алмашиш учун муҳим майдон бўлди.

Ҳукумат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида йўлга қўйилган ижтимоий шериклик меҳнат соҳасидаги кўплаб масалаларни ижобий ҳал этишда қўл келаётганини кўриб турибмиз. “Халқаро меҳнат ташкилотининг уч томонлама ижтимоий мулоқотни ривожлантириш бўйича тавсиялар” деб номланган маърузамда Ўзбекистондаги “трипартизм” меҳнат, иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя соҳаларидаги сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишда самарали механизм вазифасини ўтаётгани халқаро экспертлар томонидан қайд этилганини таъкидлаганим ҳам бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам, юртингизда ижтимоий шериклар ўртасида меҳнат шартлари ва ижтимоий ҳимоя масалаларида аниқ қоидалар ўрнатилган. Барча томонлар ижтимоий музокаралар давлатнинг иқтисодий тараққиётида юқори ўрин тутишини яхши англайди. Куни кеча Тошкентдаги корхоналардан бирида бўлганимда, жамоа шартномаси нусхаси ҳамма учун кўринарли жойга илиб қўйилганини кўрдим. Бу барча меҳнаткашлар, айниқса, ишга янги қабул қилинган ходимларга белгиланган имтиёзлардан бохабар бўлиш имконини яратади.

Сергеюс ГЛОВАЦКАС, ХМТ бош мутахассиси, меҳнаткашлар фаолияти бўйича Бюро вакили:

— Мен учун бундай муҳим конференцияда қатнашиш ҳамиша катта шараф. Қолаверса, биз ўта долзарб мавзу — меҳнат муносабатларига тааллуқли масалаларни таҳлил қилдик. Таъкидлашим керакки, Ўзбекистон томонидан ўтказилаётган халқаро анжуманларнинг даражаси ва сифати йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Юртингизда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлашда катта ишлар амалга оширилаётгани диққатга сазовор. Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимида кўплаб юқори малакали мутахассислар фаолият юритади. Халқаро касаба уюшмалари марказлари мамлакатингиз касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишларни юқори баҳолаётган экан, ўйлайманки, бунинг учун барча асослар бор.

Мамлакатингизнинг ХМТ билан алоқалари кенгайиб, ушбу йўналишдаги ишлар тезкорлик билан ривожланиб боряпти. Бу жуда муҳим. Ўзбекистоннинг фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш йўналишидаги тажрибасини бутун Марказий Осиё ҳудудида амалга ошириш лозим.

Пьер КУТАЗ, Франция меҳнат Умумконфедерацияси халқаро департаменти бошлиғи:

— Ўзбекистонда меҳнаткашларнинг асосий қисми касаба уюшмаларига аъзо экани мени жуда хурсанд қилди. Францияда аҳоли касаба уюшмалари фаолиятини қўллаб-қувватласа-да, аъзолар, афсуски, кўпчиликни ташкил қилмайди. Шунингдек, юртингизда аҳолини иш билан таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътирофга лойиқ. Бугун кўплаб Европа давлатлари, жумладан, Францияда ҳам жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида йигит-қизларнинг катта қисми ишсизлик жабрини чекмоқда.

Ўзбек ҳамкасабаларимизнинг маърузаларидан юртингизда ёшлар, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига катта эътибор қаратилаётгани борасида маълумот олдим. Меҳнат, ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқлари жамоа шартномаларида алоҳида қайд этилиши, шартномаларда ёшлар масаласида алоҳида боблар киритилиб, уларнинг қўшимча имтиёзлари, тўловлар олиш ҳуқуқлари, ишни ўқиш билан бирга олиб бориш имкониятлари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилгани, очиғи, мени лол қолдирди. Бундай тажриба жаҳон миқёсида бармоқ билан санарли давлатлардагина мавжуд. Европа давлатлари, айниқса, бугунги шароитда ана шу соҳани чуқур ўрганишлари зарур, деб ўйлайман. Мен ушбу халқаро анжуманда иштирок этишдан жуда хурсандман. Бу мамлакатингизнинг бандлик ва ижтимоий ҳимоя масаласида олиб бораётган ишларни ўрганиш ва ўз тажрибамда қўллаш учун ҳам ўта муҳим.

Марлис ДААН, “IG Metal” (Германия) саноат касаба уюшмаси матбуот котиби:

— Биз бугун жуда муҳим воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бундай тадбирлар турли мамлакатлар касаба уюшмалари ўртасида самарали мулоқот кўприкларини ўрнатишга хизмат қилади. Ўзбекистонда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида катта ютуқлар қўлга киритилганлиги биз учун ўзига хос янгилик бўлди.

Давлат томонидан меҳнат соҳасидаги масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор берилаётгани ҳам, албатта, диққатга сазовор. Бу соҳадаги ишларнинг келажакда янада ривож топишини таъминлайди.

Всеволод БАРБАНЕАГРА, ХМТ эксперти (Молдова):

— Ўзбекистонга учинчи марта келишим. Халқингизнинг меҳнаткаш, меҳмондўст ва тинчликсевар эканини яхши биламан. Тўғрисини айтганда, ана шу хислатларингиз туфайли ўзимни уйдагидек ҳис этаман.

Мамлакатингизда йилдан йилга ҳукумат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий мулоқот ривожланиб бораётганини таъкидлаш керак. Шунингдек, Ўзбекистон ва ХМТ ўртасидаги ҳамкорлик ҳам тобора мустаҳкамланмоқда. Кези келганда, Ўзбекистон баъзи давлатлар узоқ йиллар мобайнида эриша олмаётган ютуқларни қисқа муддатларда қўлга киритаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Чжан ЦЗЯНЬГО, Бутунхитой касаба уюшмалари Федерацияси жамоа музокаралари департаменти мудири:

— Барча соҳаларда стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарилган Ўзбекистон — Хитой шериклик муносабатлари изчиллик билан ривожланиб бормоқда. Шу ўринда, халқларимизнинг ўзаро муносабати кўп асрлик мулоқотлар устига қурилганлигини эсга олишни истардим. Аждодларимиз Буюк Ипак йўли орқали ипак, пахта, шойи газламалар, маданият ва буюк олимлар илмий меросининг дунёга ёйилишига хизмат қилган. Ўзаро ишонч бугун ҳам ўз самарасини бериб келмоқда.

Касаба уюшмаларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳам йил сайин ривож топиб бораётгани, ўйлайманки, умумишимизга ўзига хос рағбат бахш этмоқда. Конференция жараёнида Ўзбекистонда меҳнат ҳуқуқи соҳасида эришилаётган ютуқлар, амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлганимиздан мамнунмиз.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

НУРОНИЙЛАР САЛОМАТЛИГИ НАЗОРАТДА

Аҳоли ўртасида тиббий маданиятни янада юксалтириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, соғлом оилани шакллантириш, юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилгани ҳам айни муддао бўлди.

— Юртимизда кексаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мана бугун ҳам шифокорлар келиб тиббий кўрикдан ўтказишди. Саломатлигим оқ халатли жонкуярларнинг қарамоғида экан, насиб қилса, юз йил яшайман, — дейди шовотлик Пошша момо Баҳовиддинова.

Мафтуна РЎЗИМАТОВА,
Хоразм вилояти

ҲАМИША ЭЪТИБОРДАСИЗ, УСТОЗЛАР

Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, сиҳат-саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришда меҳнат ва техника хавфсизлигига риоя этилишига эришишда касаба уюшмаларининг ўзига хос ўрни бор.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма туман кенгаши томонидан Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан тармоққа қарашли бошланғич ташкилотларда пенсия ёшига етган ишчи-ходимларни нафақага кузатиш муносабати билан турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, тармоққа қарашли “Агробанк”нинг Шофиркон туман бўлимида 50 йилдан бери банк тизимида фаолият кўрсатиб келаётган ва ўзининг 80 баҳорини қаршилаган Эркин Каримовни пенсияга кузатиш тадбири ташкил этилди.

Ўз касбининг фидойиси ва жонкуяри бўлган Э.Каримовга “Агробанк” туман бўлими касаба уюшма ташкилоти ҳисобидан қимматбаҳо совғалар топширилди. Шунингдек, у фаолият кўрсатган банк томонидан ҳам алоҳида эҳтиром ва эъзоз кўрсатилди.

Тизимда алоҳида мавқе ва ҳурматга эга бўлган устозни вилоят ва республикамизнинг турли банкларида хизмат қилаётган шогирдлари ҳам муборакбод этдилар.

Ёқуб ЭРГАШЕВ,
АСМ ходимлари Шофиркон туман кенгаши раиси

ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛМОҚДА

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан юз ёшга кирган ва ундан ошган нуронийларга алоҳида эҳтиром кўрсатилмоқда.

Хатирчи туманидаги Қангли қишлоғида истиқомат қилувчи 100 ёшли Маърифат момо Шодиева хонадонига вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши вакиллари ташриф буюриб, совға-саломлар улашишди.

Фарзандлари, набираю эваралари, ҳамқишлоқлари ардоғида кексалик гаштини сураётган Маърифат момо умр йўли ҳақида шундай деди:

— 1915 йилда Қўшработ туманининг Қатағон қишлоғида туғилганман. Турмуш ўртоғим Оқбўта Отамуродов билан 1946 йилда Хатирчига кўчиб келдик. Фермада сут соғувчи бўлиб ишладим. Оғир кунларни ҳам кўрдик. Меҳнатимиз ортидан 9 нафар фарзандни тарбияладик. Бугунгидек эътибор бизга қувват бағишлаб, ёшимизга ёш қўшмоқда.

Шунингдек, Ҳамида Эргашева, Аксулу Исмаилова, Турғай Искандарова, Нусрат Адизова, Мунаввар Рўзиева сингари 28 нафар 100 ёшдан ошган табаррук кексалар ҳам ўзларига кўрсатилган эъзозу эҳтиром учун тақдирга шукрона қилиб, эзгу ишлар сардорларини дуо қилишди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
“Ishonch” мухбири

2015-yil 25-aprel, shanba, № 51 (3556), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ФЕСТИВАЛ



"НАВРЎЗ САДОЛАРИ"

Санъат тил ва миллат, манзил танламайди. Бинобарин, ушбу сирли тилсимга ошуфта бўлмасликнинг сира иложи йўқ. Айниқса, болажонлар ижро этган куй ва қўшиқлар бетакрорлиги боис кишига завқ бериб, эзгуликлар сари чорлайди.

Пойтахтимизда давом этаётган "Наврўз садолари" халқаро мусиқа кўрик-фестивалида ана шу ҳис-туйғулар янада жунбушга келди, десак, асло муболаға бўлмайди.

Мазкур тадбир Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Бастакорлар ва "Тасвирий ойина" ижодий уюшмалари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Сўғдиёна" халқ чолғулари камер оркестри ҳамда Швейцариянинг ҳамкорлик бюроси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда мактабгача таълим муассасалари, мусиқа ва санъат мактаблари, ихтисослашган лицей ва коллежлардаги оркестр ҳамда ансамбллар, профессионал жамоалар қатнашмоқда. Айтиш жоизки, 2007 йилдан буён ўтказиб келинаётган кўрик-фестивал бу йил халқаро мақомни олди. Фестивалга Тожикистон ва Қирғизистондан ҳам санъатсевар ёшлар ташриф буюрди.

Тадбир дастлаб матбуот анжумани билан бошланди. Унда Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлдаги қарорига мувофиқ қабул қилинган Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури доирасида улкан ишлар амалга оширилгани эътироф этилди. Бу борадаги ишлар тўғрисида журналистларга батафсил маълумот берилди.

Фестивал очилишида Халқ таълими вазири У.Иноятов, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди бошқаруви раиси С.Иномова, Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори Б.Ёқубов ва бошқалар сўз олиб, юртимизда санъат ривожига алоҳида эътибор қаратилаётгани бу эса ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтириш, уларнинг дунёқараши ва маънавиятини юксалтиришда муҳим ўрин эгаллашига алоҳида урғу беришди.

Тадбир миллий чолғулар кўргазмаси билан давом этиб, кўп овозли ансамбл ва оркестрларнинг чиқишларига уланиб кетди. Болалар фолклори, рақс санъати, болалар ва ўсмирлар хор жамоаларининг ижрочилик маҳорати, чолғу созлар ансамбларининг чиқишлари барчага манзур бўлди.

— Юртимизда санъатга бўлган эътибор туфайли юзлаб болажонларнинг истеъдоди юзага чиқмоқда, —дейди Фарғонадан ташриф буюрган "Ниҳол" болалар ансамбли бадиий раҳбари Дилором Алимова. — Жамоамиз фестивалда 4 марта ғолибликни қўлга киритган. Бу йил ҳам миллий ва жаҳон мусиқасидан ўзига хос дастур тайёрлаб келганмиз.

"Наврўз садолари" халқаро кўрик-фестивали бугун якун топади. Кун давомида ғолибларни тақдирлаш маросими ҳамда миллий чолғулар ижрочилиги ва дирижёрлик ишига бағишланган халқаро конференция, маҳорат дарслари ўтказилади. Шунингдек, йиғилганлар жамоалар иштирокидаги гала-концертдан баҳраманд бўлишади.

Гўзал НОРЧАЕВА,
"Ishonch" мухбири.
Ёлқин ШАМСИДДИНОВ
(ЎзА) олган сурат

ТАНЛОВ

Ватанга муҳаббат, каттага ҳурмат, кичикка иззат каби туйғулар алла сеҳридан бошланади. Шунинг учун ҳам ёш авлодни баркамол қилиб вояга етказишда қўшиққа эҳтиёж катта.

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар, Бастакорлар уюшмалари, Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Миллий ахборот агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган болалар қўшиқлари, шеърлари ва куйларини яратиш бўйича республика ижодий танлови айнан шу мақсадга қаратилди.



ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАРИМИЗ!

Қизғин паллага кирган танловда ёшидан қатъи назар, юртимизда фаолият юритаётган бастакорлар, шоирлар, болалар ижодий жамоалари, мусиқа ва санъат мактабларидаги ижодкорлар фаол қатнашмоқда. Танлов иштирокчилари орасида санъаткор бўламан, дея изланаётган истеъдод эгаларининг кўплигини айтмайсизми! Уларнинг она-Ватан, нурли истиқбол, бахтиёр болалик, миллатлар ўртасидаги дўстликни мадҳ этувчи қўшиқлари барчада катта таассурот қолдириб, эътирофга сазовор бўлаётир.

Танловнинг Тошкент вилояти босқичига 400 дан ортиқ шеър, 300 га яқин янги қўшиқ ва бошқа ижодий ишлар қабул қилинди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Шаҳноза Одилхонова. — Улар туман ва шаҳарлардаги тегишли ташкилий қўмиталар томонидан сараланиб, ҳакамлар ҳайъати ҳукмига ҳавола этилди. Очиғини айтиш керак, ғолибни аниқлаш осон бўлмади. Миллий руҳни ўзида акс эттирган қўшиқларнинг қалбга яқинлиги, юракдан ижро этилиши, болалар орасида истеъдод эгаларининг кўплиги кишини қувонтиради.

Нуфузли ҳакамлар ҳайъат аъзолари томонидан танловнинг вилоят босқичи ғолиблари аниқланганда Раъно Аҳмедова болалар қўшиқлари учун яратилган энг яхши шеър йўналишида биринчи бўлди. Қўшиқ учун яратилган энг яхши мусиқа йўналишида ғолиблик Бўстонлиқ туманидаги 17-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўзбек халқ чолғулари фани ўқитувчиси Фофуржон Қўчқоров ҳамда Тошкент академик ва халқ бадиий жамоалар дирекцияси раҳбари Рустам Муҳаммадиевга насиб этди. Энг яхши қўшиқ ижрочилиги йўналишида Бўка туманидаги 19-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Жалолиддин Эгамов ҳамда Чирчиқ шаҳридаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилар хор жамоаси эътироф этилди. "Энг яхши болалар оромгоҳи мадҳияси" номинацияси ғолиби бекободлик Бозорбой Сайдинов бўлди. "Энг яхши ҳисоб шеъри ва машқ қўшиғи" йўналишида эса Тошкент кимё-технология институти қошидаги Чирчиқ академик лицейи ўқувчиси Дилнавоз Нажимова ғолиб деб топилди.

— Ёшлигимдан санъатга меҳр қўйганман. Мендаги интилишни сезган ота-онам Болалар мусиқа ва санъат мактабига олиб боришди, — дейди Жалолиддин Эгамов. — Ушбу танловда "Ватан" номли қўшиғим менга омад келтирди. Республика босқичида ҳам биринчи бўлишни кўнглимга тукканман. Ниятим — келажакда етук санъаткор бўлиб, халқимга хизмат қилиш. Бу йўлда устозлардан тинимсиз сабоқ олиб, билимимни бойитиб бораверараман.

— Ўқув даргоҳимизда истеъдодли ёшлар жуда кўп, — дея суҳбатга қўшилади унинг устози Рустам Ҳакимов. — Жалолиддин вокал йўналишида таҳсил олади. Ундаги қизиқиш, яширин истеъдодни келган пайтларидаёқ сезганман. Ҳозирда у тинимсиз ўрганиб, маҳоратини ошириб бораяпти. Келажакда нафақат мамлакатимиз, балки дунё микёсида ўтадиган нуфузли танловларда ҳам юртимизнинг довруғини жаҳонга танитишига ишонаман.

— Болалар ҳақида қанча ёзсак оз. Улар бизнинг келажагимиз, ёруғ юзимиз, — дейди Бозорбой Сайдинов. — Ўзим ҳаваскор шоир сифатида қалам тебратиб тураман. Ёзган шеърларим фарзандларимиз тарбиясида озгина бўлса-да наф келтирса, ўзимни бахтиёр ҳисоблайман.

Ота макон, Она тупроқ,
Ўзбекнинг гул-лоласимиз.
Нияти пок, қалби оппоқ,
Ўзбекистон боласимиз!

дея бугунги доруломон замонда яйраб, истиқлолнинг кенг имкониятлари оғушида яшаётган, замонавий илм даргоҳларида таҳсил олаётган болажонларимизнинг келажаги порлоқдир.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланиб, республика босқичига йўлланма олишди.

Танловнинг республика босқичи ғолиблари 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида эълон қилинади.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
"Ishonch" мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"FARG'ONA MULK SERVIS" МЧЖда бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида арзонлаштирилган нархда такроран ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Қўқон филиалининг 2015 йил 20 апрелдаги №697/104-сонли хатига асосан, Қўқон шаҳри, Амир Темур кўчаси, 1-"А" уйда сақланаётган "Nexia DOHC GLE" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. 2007 йилда и/ч, д/б-40 744 КАА. Бошланғич баҳоси — 23 413 500 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 12 май куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 11 май куни соат 17:00.

Талабгорлар диққатига! Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситаси 2015 йил 12 май кунги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдоси 2015 йил 19 май куни бўлиб ўтади. Такрорий савдога аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил, 18 май, соат 17:00.

Шунингдек, 2015 йил 27 май куни соат 11:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Фарғона вилоят хўжалик судининг 2015 йил 22 апрелдаги №214-сонли хатига асосан, Фарғона шаҳар, А.Фарғоний кўчаси, 47-уйда сақланаётган "GM UZ MATIZ" русумли, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами-40 584 UAA, техник ҳолати-носоз бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 3 692 297 сўм. Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 25 май куни соат 17:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "FARG'ONA MULK SERVIS" МЧЖнинг "Халқ банки"нинг Фарғона вилоят амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим: МФО: 00497, СТИР: 303054753, х/р: 2020 8000 1003 9634 2001.

Манзил: Фарғона шаҳри, Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй, 37-хона.
Тел: (+99895) 402-54-75. Гувоҳнома №1894.
Хизматлар лицензияланган.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси

2015 йил манзилий қурилиш рўйхатига киритилган қуйидаги объект бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

"Бухоро шаҳридаги Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг маъмурий биносини жорий таъмирлаш".

Буюртмачининг бошланғич қиймати — 412 313 910 сўм (ҚҚС билан), 343 594 925 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш муддати — 6 ой.

Қурилиш ишлари: Адлия органлари ва судларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Турар ва нотурар уй-жой биноларини мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100% ни ташкил қилади.

Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларида қурилиш-монтаж ишлариги бажариш бўйича танлов савдоларида фақатгина қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган пудратчи ташкилотлар иштирок этишларига рухсат берилади.

Танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси.

Манзил: Бухоро шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 30-уй. Телефон: (8-365) 223-54-80, факс: 223-93-70.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 6-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-97-51, 223-96-29.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 120 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 6-уй.

Хизматлар лицензияланган.

ТУЗАТИШ!

"Respublika mulk markazi" АЖ "Toshkent Mintaqaviy filiali" томонидан "Ishonch" газетасининг 2015 йил 23 апрелдаги 50 (3555) сонида чоп этилган хабарномадаги, "Ваз 21154-110-20" русумли, давлат рақами 10 690 LAA бўлган, автотранспорт воситасининг бошланғич баҳоси — 10 010 000 сўм ўрнига бошланғич баҳоси — 15 010 000 сўм деб ўқилсин.

Манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй. Тел:233-28-52.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2014 йил 16 декабрдаги корхоналар фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарорлари рўйхати:

№	КОРХОНА НОМИ	МАҚОМИ	Хўжалик судининг қарори	
			рақами	санаси
1	OTABEK BROK SERVIS	ХК	10-1506/5605	30.03.2015
2	MAZ-PROEKT-DIZAYN	МЧЖ	10-1506/5600	30.03.2015
3	WAFFLE BAKER	ХК	10-1506/5627	30.03.2015
4	PLASTILIN ART	ШК	10-1506/5583	30.03.2015
5	JAMOLIDIN TEKSTIL	ХК	10-1506/5633	30.03.2015
6	ATLAS FOOD EXPORT	МЧЖ	10-1506/5598	30.03.2015
7	DEALLER MOBILE	ХК	10-1506/5608	30.03.2015
8	STRONG BUSINESS	МЧЖ	10-1506/5653	30.03.2015
9	ZIYNAT SAVDO SERVIS	ХК	10-1506/5595	30.03.2015
10	FIN TOP BIZNES	МЧЖ	10-1506/5588	30.03.2015
11	MURODLI BAXTIGUL SAVDO	ХК	10-1506/5593	30.03.2015
12	DEHQONBOY-BUSINESS	ХК	10-1506/5607	30.03.2015
13	START DREAM BUSINESS	МЧЖ	10-1506/5604	30.03.2015
14	GRAND FARM SERVIS	ХК	10-1506/5635	30.03.2015
15	DILDORA-BAXT	МЧЖ	10-1506/5656	30.03.2015
16	OMON GRAND SECURITY	МЧЖ	10-1506/5594	30.03.2015
17	TAFAKKURLI ZARINA	ХК	10-1506/5585	30.03.2015
18	OMON-TAOM	ХК	10-1506/5630	30.03.2015
19	TASHKENT GRAND BUSINESS	МЧЖ	10-1506/5587	30.03.2015
20	ROBIYA-QUVONCH	МЧЖ	10-1506/5586	30.03.2015
21	TELERUBIKON	МЧЖ	10-1506/5599	30.03.2015
22	ALBATROS INVEST	МЧЖ	10-1506/5654	30.03.2015
23	AGATA-VITA	МЧЖ	10-1506/5650	30.03.2015
24	LANA-FAZALUKS	МЧЖ	10-1506/5611	30.03.2015
25	NEW RAY GRANT	МЧЖ	10-1506/5606	30.03.2015
26	OBODHON SHIRIN TAOMLARI	ХК	10-1506/5603	30.03.2015
27	KINNERTON KONSULTANTS SERVIS	ХК	10-1506/5597	30.03.2015
28	AVIASOZLAR MADANIYAT VA TEXNIKA MASKANI	ММ	10-1506/5584	30.03.2015
29	THERMIT RAIL WELDING TRANS	МЧЖ	10-1506/5652	30.03.2015
30	RUNNER TIGER	МЧЖ	10-1506/5596	30.03.2015
31	MUSHTARIYBONU SAVDO	МЧЖ	10-1506/5591	30.03.2015
32	AVALEK-MAFTUN	МЧЖ	10-1506/5655	30.03.2015
33	KOMILA BONU KAPITAL	ХК	10-1506/5602	30.03.2015
34	MBL-KONSALTING	МЧЖ	10-1506/5589	30.03.2015
35	ANTAGO ASIA	МЧЖ	10-1506/5592	30.03.2015
36	GLOBAL FORTUNE BUSINESS	МЧЖ	10-1506/5590	30.03.2015
37	POLYMER GROUP	МЧЖ	10-1506/5621	30.03.2015
38	LEE YANG SERVICE	МЧЖ	10-1506/5610	30.03.2015
39	KAMILLA GOLD	МЧЖ	10-1506/5634	30.03.2015
40	NEW IDEAL BUILD SERVICE	МЧЖ	10-1506/5651	30.03.2015
41	BIG-BOSS	ХФ	10-1506/5615	30.03.2015
42	GOLD-SILVER STAR	ХК	10-1506/5609	30.03.2015
43	ARTHUR PLATINUM	ХК	10-1506/5628	30.03.2015
44	ALI MEDIA GROUP	МЧЖ	10-1506/5620	30.03.2015
45	KIYIM-SERVIS	ШК	10-1506/5624	30.03.2015
46	LION POWER	МЧЖ	10-1506/5641	30.03.2015
47	MUSTANG IDEAL QURILISH	МЧЖ	10-1506/5675	30.03.2015
48	ALEX GOLD PRINT	МЧЖ	10-1506/5617	30.03.2015
49	ME'MOR KOMMUNAL QURILISH	МЧЖ	10-1506/5644	30.03.2015
50	FORT ART GROUP	МЧЖ	10-1506/5646	30.03.2015
51	LEGION AZIA GROUP	МЧЖ	10-1506/5638	30.03.2015
52	ZUFARJON UNIVERSAL DISTRIBUTION	МЧЖ	10-1506/5645	30.03.2015
53	ULUG'BEK LYUKS BIZNES	МЧЖ	10-1506/5601	30.03.2015
54	BEKZODBEK MADIRA	МЧЖ	10-1506/5643	30.03.2015
55	SHER FAYZ SAVDO SERVIS	МЧЖ	10-1506/5636	30.03.2015
56	NADONEDU	МЧЖ	10-1506/5619	30.03.2015
57	KUNGURODOR TEMIR KAPITAL	МЧЖ	10-1506/5625	30.03.2015
58	GOFRA STAR	МЧЖ	10-1506/5623	30.03.2015
59	E'ZOZ LUXE STIL	ХК	10-1506/5631	30.03.2015
60	AZIYA AGRO IMPEKS AD	МЧЖ	10-1506/5626	30.03.2015
61	KRASNET-SAVDO BARAKA	ШК	10-1506/5616	30.03.2015
62	MOBIL-GRAND-TRANS	МЧЖ	10-1506/5639	30.03.2015
63	MUSHTARIYBONU NURFAYZ	МЧЖ	10-1506/5618	30.03.2015
64	ART MEDIA SERVIS	МЧЖ	10-1506/5622	30.03.2015
65	EPIC AVIA SERVICE	МЧЖ	10-1506/5647	30.03.2015
66	RAZOR AGRO	МЧЖ	10-1506/5613	30.03.2015
67	SURAYO FARM PLUS	ХК	10-1506/5632	30.03.2015
68	TEPLOSANGAZ SERVIS	МЧЖ	10-1506/5648	30.03.2015
69	OMAD ISHONCH SERVIS	МЧЖ	10-1506/5649	30.03.2015
70	NODIRBEK ELIT FARM	МЧЖ	10-1506/5614	30.03.2015
71	ABDUSALOM PLYUS OMAD	ОК	10-1506/5642	30.03.2015
72	ETALON SAVDO	ХК	10-1506/5612	30.03.2015
73	XOLBOY ABDUXAKIM SAVDO	ХК	10-1506/5626	30.03.2015
74	RELIABLE GOODS IMPEX	МЧЖ	10-1506/5657	30.03.2015
75	SARAGOSSA ART MEDIA	МЧЖ	10-1506/5640	30.03.2015

Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорига асосан тугатилаётган корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Корхонанаинг дебитор ва кредиторларнинг даъволари икки ой муддат мобайнида Тошкент шаҳар Яшнобод тумани ҳокимияти, 32-34-хона, Фарғона йўли, 21-уй манзилгоҳи бўйича қабул қилинади.

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 13 январдаги корхоналар фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарорлари рўйхати:

№	КОРХОНА НОМИ	МАКОМИ	Хўжалик судининг қарори	
			рақами	санаси
1	CLASSIC GROUP	МЧЖ	10-1518/3766	03.04.2015
2	EVGENIYA PLYUS	МЧЖ	10-1518/3767	03.04.2015
3	TO LQIN MONTAJ	МЧЖ	10-1518/3765	03.04.2015
4	METALL INVEST	МЧЖ	10-1518/3761	03.04.2015
5	GLOBAL WEB CONSULTING	МЧЖ	10-1518/3762	03.04.2015
6	FATUM-MED	МЧЖ	10-1518/3763	25.03.2015
7	MAX IRON STONE	МЧЖ	10-1518/3764	03.04.2015
8	PROVENTUS BUSINESS GROUP	МЧЖ	10-1518/3760	25.03.2015
9	GOOD MAX FOOD	МЧЖ	10-1518/3759	03.04.2015
10	SARATON-SERVIS	МЧЖ	10-1518/3758	03.04.2015

Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорига асосан тугатилаётган корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Корхоналарнинг дебитор ва кредиторларининг даъволари икки ой муддат мобайнида Тошкент шаҳар Яшнобод тумани ҳокимияти, 32-34-хона, Фарғона йўли 21-уй манзилгоҳи бўйича қабул қилинади.

Хизматлар лицензияланган.

ООО "EAST PRODUCTION KOREA" Код ОКПО 24572126 ИНН 302774791 Зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Мирабадского района, города Ташкента от 20.12.2013 года, за реестровым № 006764-03 ликвидируется согласно протоколу №3 учредителей о добровольной ликвидации от 27.04.2015 года и Приказа №3 от 27.04.2015 года. Претензии принимаются по адресу: город Ташкент, Мирабадский район, улица Сарикул, дом 6. до 27.06.2015 года тел: 966-21-56.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоалари бирлашма кенгаши бўлим мудири
Фарҳод НИЁЗМУРОДОВнинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Давлат муасссасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ касаба уюшмаси Термиз шаҳар кенгаши раиси Нодира Ҳимматовага акаси
Абдураззоқ ҲИММАТОВнинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b.
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-94) 418-67-49
Navoiy — (+998-94) 228-13-00
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-93) 352-50-87
Sirdaryo — (+99890) 999-58-30
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: N.Choriyev
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **23:40**
Topshirildi — **00:30**
1 2 3 4 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma Г — 415. 19386 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi: 133